

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ  
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН  
АКАДЕМИЯСИ  
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

**2021-7**

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна  
Издается с 2006 года**

**Хива-2021**

**МУНДАРИЖА  
КИМЁ ФАНЛАРИ**

|  |   |
|--|---|
| <b>R.Eshchanov, Sh.Khasanov, M.Ibragimova</b> A new look at chemical bonding and the theory of transformation of electronic clouds ..... | 6 |
|--|---|

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

|   |     |
|---|-----|
| <b>Hudoyberdiyeva M.O., Mirzayeva G.S., Musaev D. M., Valiyeva M.N.</b> O'zR FA Zoologiya instituti entomologiya kolleksiyasida Mirinae hahn, 1833 (Heteroptera: Miridae) kenja oilasi vakillari .....  | 14  |
| <b>Qambarov S.S., Polvonov B.X.</b> Mevali daraxtlar (grek yong'oq, yovvoyi bodom, yovvoyi pista) nematodafaunasi turlarining ekologik guruhlari .....  | 16  |
| <b>Абдураимов О.С., Алламуротов А.Л., Ўралов Б.С., Шукуров А.Х.</b> Ўзбекистон миллий гербарий фондида (TASH) сақланаётган Tamarix L. туркуми турлари (Бойсун) .....  | 19  |
| <b>Абдурасулова С., Авазметова И., Пазилов А.</b> Ўзбекистонда адвентив - <i>Deroceras reticulatum</i> (Gastropoda <i>terrestria nuda</i> ) турининг тарқалиши ва ҳўжалик аҳамияти .....  | 24  |
| <b>Абдурахимов У.К., Хамраев Н.У., Бабаджанова С.Х., Нурметова Ф.Р., Отаев О.Ю.</b> Хоразм вилояти тупрок-иклим шароитида расторопша <i>Silybum marianum</i> (L) Gaertn.) навлари уруғларининг кимёвий таркиби  | 27  |
| <b>Абдуғаниев О.А.</b> Ўзбекистон шимоли-шарқий худуди сув ҳавзалари оқ сла ( <i>Sander lucioperca</i> L) балиқлари гельминтлари .....  | 29  |
| <b>Азимов Н.Н.</b> Буғдой агроценози орнитофаунасининг мавсумий таркиби ва қушлар сони .....  | 31  |
| <b>Бобокелдиева Л.А.</b> Сурхондарё вилояти ток агроценозлари фитонематодаларининг экологик таснифи .....   | 37  |
| <b>Буронов А.Қ., Бабоев С.К., Холлиев О.Э., Алимова М.Б.</b> Ўзбекистондаги қадимий маҳаллий буғдой навларининг микдорий белгиларини корреляцион боғлиқлигини ўрганиш .....   | 39  |
| <b>Гаппаров Б.М., Мўминов Х.А., Арсланов Д.М., Хидиров М.Т., Кушанов Ф.Н.</b> Айрим ёввойи ғўза тур ва кенжа турларида ҳарорат ҳамда муддатнинг чигит унувчанлигига таъсири .....   | 42  |
| <b>Джумаева З.Ў.</b> Самарқанд вилояти шароитида интродукция қилинаётган чайот- <i>Sechium edule</i> (Jacq) SW. нинг унувчанлиги .....  | 45  |
| <b>Жамалова Д.Н., Мустафина Ф.У., Эсанкулов А.С., Турдиев Д.Э.</b> Ўзбекистон флорасида тарқалган <i>Astragalus</i> L. туркуми турларини ДНК-баркодлаш .....  | 47  |
| <b>Исломов И., Абдуалиева Ш.Х.</b> Бухоро вилояти шароитида бедага зарар етказаётган бегона ўт “тукли симбрик” ва бир йиллик бегона ўтларга қарши кураш чоралари .....  | 51  |
| <b>Курбаниязова Г.Т., Пўлатов С.О., Мадаминов Ф.М.</b> Сурхон давлат қўриқхонаси флорасида <i>Gagea salisb.</i> (Liliaceae) турларининг тарқалиш харитаси .....   | 53  |
| <b>Маърупов А.А.</b> Узунмўйлов кўнғизларининг (Coleoptera: Cerambycidae) Фарғона водийси шароитида тарқалиши ва экологияси .....   | 56  |
| <b>Норматова Ш.А., Мухамедиева И.Б., Бекчоновна М.Ф.</b> Фарғона водийси сув ҳавзаларида ўтказилган гидробиологик тадқиқот натижалари .....   | 60  |
| <b>Отенова Ф.Т., Мамбетуллаева С.М.</b> Жанубий Орол бўйи арид худудларида тупрокнинг ҳозирги даврдаги ҳолати .....   | 63  |
| <b>Рахронов Р.Р., Авезова Ф.М., Алиева С.Г., Набиева С.О.</b> Ўзбекистон орнитофаунасидаги овладанган қушларнинг тур таркиби ва тарқалиши .....   | 66  |
| <b>Рахронов Р.Р., Усмонова Д.Б., Ярашова М.Я., Усмонова М.Ў.</b> Бухоро вилоятида овладанган ҳайвон турларининг биоэкологик хусусиятлари .....  | 69  |
| <b>Саггаров Н.Р., Хўжаев Ш.Т., Мусаев Д.М., Мусаева М.К.</b> Адвентив тур бўлган ғўза қандаласининг ( <i>Creontiades pallidus gambur</i> ) республикамизда тарқалиши .....  | 72  |
| <b>Торемуратов М.Ш.</b> Куйи Амударё давлат биосфера резервати худудидаги Бухоро буғуси популяциясининг замонавий ҳолатини баҳолаш .....  | 76  |
| <b>Торемуратов М.Ш.</b> Шимоли-ғарбий Қизилқумда жайрон ( <i>Gazella subgutturosa</i> ) популяциясининг тарқалиши .....   | 81  |
| <b>Тухтасинов Ф.Р., Мирзалиева Г.Р., Нарзикулова М.Ф., Эшова Х.С.</b> Эколого-трофический анализ фауны нематод различных сельскохозяйственных культур Ферганской долины .....   | 85  |
| <b>Хўжаназаров Ў.Э.</b> Қашқадарё ҳавзаси тоғолди худудлари флораси .....   | 89  |
| <b>Ҳабибуллаев Б.Ш., Абдураимов О.С., Эсанкулов А.С.</b> <i>Otostegia benth.</i> (Lamiaceae) туркуми камёб турларининг муҳофаза чоралари .....  | 93  |
| <b>Ҳайитов И.Ю., Шаропова М.А., Ярашова М.Я.</b> Қашқадарё воҳаси шароитида иқлимлаштирилган узум навларининг биоэкологик хусусиятлари .....  | 96  |
| <b>Ҳамроев И.А., Отоев О.Ю.</b> Зарарли темирчакларни тарқалиши, ривожланиши, зарари ва уларга қарши курашда, иқтисодий тежамкор биологик кураш чоралари .....  | 98  |
| <b>Шакарбоев Э.Б., Улуғмуратова О.С., Жумамуратов Ж.Э.</b> Навоий вилояти уй эчкилари ( <i>Capra hircus</i> Linn) гельминтофаунаси .....  | 100 |
| <b>Эрназарова З.А., Эрназарова Д.К., Рафиева Ф.У., Кушанов Ф.Н., Хидиров М.Т., Эргашев У.И., Рахимова Г.Х., Абдуллаев А.А.</b> Цитогенетические исследования межвидовых гибридов хлопчатника ( <i>Gossypium mustelinum</i> Miers ex Watt. x <i>Gossypium Barbadosense</i> L.) ..... | 103 |
| <b>ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ</b>  |     |
| <b>Bobojonov Sh.A., Xudoyberdiyev F.Sh.</b> O'zbekistonda chorvachilik tarmog'ini rivojlantirishda yaylov yerlarining ahamiyati .....   | 108 |
| <b>Xudoyberdiyev F.Sh., Bobojonov Sh.A.</b> O'zbekiston Respublikasida yaylov yerlaridan samalari foydalanish tizimini tubdan takomillashtirish .....   | 109 |
| <b>Илёсов А.А.</b> Кўчат қалинлигининг кузги буғдой ўсимлигининг тупланиши, умумий ва маҳсулдор поялар сонига таъсири .....   | 111 |

huquqiy asos yaratildi. **Yaylovlar infratuzilmasi** - yaylov chorvachiligida foydalaniladigan sug'orish inshootlari (chorva mollarini va yaylovlarni sug'orish uchun jihozlangan va ishlatiladigan chashmalar, quduqlar, boshqa sug'orish punktlari, nasos stansiyalari, kanallar), suv o'tkazgichlar, chorva mollari o'tadigan joylar, yo'llar, qo'ralar, sun'iy urug'lantirish punktlari, chorva mollarini o'tlatish uchun o'rab olingan hududlar, sug'orish va dam olish joylari, cho'ponlar vaqtincha yashaydigan joylar, shuningdek, boshqa ko'chmas mulk ob'yektlari hisoblanadi. Bundan tashqari yaylovlardan quyidagi maqsadlarda foydalanish mumkin: chorva mollarini o'tlatish, pichan o'rish, dorivor o'simliklarni yig'ish, yaylovlarni qayta tiklash maqsadida urug' yig'ish, yaylov o'simliklarini ekish, yaylov infratuzilmasini yaratish va boshqa maqsadlarda berilishi mumkin.

#### FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI:

1. O'zbekiston Respublikasi "Yaylovlar to'g'risida"gi qonuni 2019-yil 20-may. O'RQ-538-son
2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi tomonidan "Yaylovlarda chorva mollarini o'tlatishda eng ko'p yo'l qo'yiladigan foydalanish normalarini belgilash, yaylovlar almashinishini ta'minlash va yuritish tartibi to'g'risidagi nizomni tasdiqlash haqida" gi qarori 2019-yil 19-avgust.
3. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Ma'muriy-hududiy birliklar chegaralarini belgilash, yer resurslarini xatlovdan o'tkazish hamda yaylov va pichanzorlarda geobotanik tadqiqotlarni o'tkazish tartibini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori 2018-yil 23-aprel, 299-son
4. www.lex.uz
5. www.senat.uz

УЎК 631.51:633.11

### КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИНИНГ КУЗГИ БУҒДОЙ ЎСИМЛИГИНИНГ ТУПЛАНИШИ, УМУМИЙ ВА МАҲСУЛДОР ПОЯЛАР СОНИГА ТАЪСИРИ А.А.Илёсов, Бухоро давлат университети, Бухоро

**Аннотация.** Мақолада Бухоро вилояти шароитида айрим кузги буғдой навлари кўчат қалинлигининг ўсимликнинг умумий ва маҳсулдор тупланиши бир бошоқдаги дон сони ва доннинг абсолют вазни каби ҳосилдорлик хоссаларига таъсирини ўрганиш бўйича тажриба натижалари маълумотлари келтирилган.

**Калим сўзлар:** тупланиш, кузги буғдой, кўчат қалинлиги, маҳсулдор поялар, дон сони, доннинг абсолют вазни, ҳосилдорлик

**Аннотация.** В статье приведены итоговые данные научно полевого опыта по изучению влияния густоты стояния растений озимой пшеницы на количество продуктивных стеблей, количество и абсолютную массы зерна некоторых сортов в условиях Бухарской области.

**Ключевые слова:** кущения, озимая пшеница, густота стояния, продуктивные стебли, количество зерна, абсолютная масса зерна, урожайность

**Abstract.** The article presents the final data of scientific field experience on the study of the influence of the density of winter wheat plants on the number of productive stems, the number and absolute weight of grain of some varieties in the conditions of the Bukhara region.

**Key words:** tillering, winter wheat, standing density, productive stems, grain quantities, absolute grain weight, yield

Ер юзида аҳоли сони кўпайиб боргани сайин озик овқат хавфсизлиги масаласи долзарблиги ортиб бораверади, чунки деҳқончилик учун ярқоқли ерлар ҳажми, суғориш сувлари каби табиий ресурслар тобора камайиб бормоқда. Шундай экан, ҳар бир қарич ер, ҳар бир томчи сув ва ўсимликларнинг ҳосилдорлик потенциалидан самарали фойдаланиш орқали кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Ана шу мақсаддан келиб чиққан ҳолда Бухоро вилояти шароитида кузги буғдойнинг айрим навларини кўчат қалинлигининг ўсимлик ҳосилдорлик хусусиятларига таъсирини ўрганиш бўйича олиб борилган дала тажрибалари натижаларини келтириб ўтамыз.

Кузги буғдой ўсимлигининг тупланиши унинг муҳим хўжалик аҳамиятига эга бўлган биологик хусусиятларидан бири бўлиб, якуний ҳосилдорликка таъсир кўрсатади. Тупланиш натижасида бир туп ўсимлик бир нечта поялар ҳосил қилади. Ана шу пояларнинг маълум бир қисми бошоқ ҳосил қилиб маҳсулдор пояларга айланади.

Кузги буғдой ўсимлиги устида тажрибалар олиб борган олимларнинг фикрига қараганда 1 м<sup>2</sup> майдонга тўғри келадиган маҳсулдор поялар сони 450-550 донани ташкил этганда юқори ҳосил олиш имконияти бўлади (К Hubberd 1977). Тошкент вилояти шароитида тажрибалар олиб борган Уразкелдиев (2003), А.Иминов (2005) лар эса 1 м<sup>2</sup> да 570-600 дон, Қозғистон шароитида тажрибалар олиб борган А.Ш.Хафизов (1976) 1 м<sup>2</sup> 800 дон маҳсулдор поя бўлганда энг юқори ҳосил олинганлигини таъкидлайди.

Биз ҳам тажрибада синалаётган навларимизда 4,5-5,5-6,5 млн/га уруғ экилганда сақланиб қоладиган кўчат сони, уларнинг тупланиши, 1 гектар майдонга тўғри келадиган умумий ва маҳсулдор поялар сонини ҳисоблаб чиққанамизда «Скифянка» андоза навида 4,5 млн/га уруғ экилган вариантда ўртача 3,8398 млн кўчат сақланиб қолиб, ҳар бир ўсимлик ўртача 2,15 тадан поя ҳосил қилиб, шундан 1,75 таси маҳсулдор поялар бўлди. 1 гектар майдонга тўғри келадиган умумий поялар сони ўртача 8,2556 млн, маҳсулдор поялар эса 6,7196 млн тани ташкил этди. Экиш меъёри 6,5 млн га оширилганда 1 гектар майдонда 5,5076 млн кўчат сақланиб қолди. Ҳар бир ўсимликка тўғри келадиган ўртача тупланиш 1,81 та, шундан маҳсулдор поялар

1,43 тани ташкил этиб 1 га майдонда ўртача 9,4257 млн пая ҳосил бўлиб, шундан маҳсулдор поялар 7,4468 тани ташкил этди.

Тажрибанинг қолган икки йилида ҳам шунга ўхшаш натижалар кузатилиб, уч йиллик маълумотлар жамланиб, ўртача кўрсаткич ҳисоблаб чиқилганда қуйидагича кўриниш олди:

- 4,5-5,5-6,5 млн/га уруғ экилган вариантларда уч йил мобайнида ўртача 3,6644-4,3328-4,9331 млн/га кўчат сакланиб қолиб, умумий тупланиш тегишлича 2,18-2,02-1,86 тани, шундан маҳсулдор поялар 1,80-1,63-1,49 тага тенг бўлди. 1 га майдонга тўғри келадиган умумий поялар ўртача 7,9991-8,7397-9,1390 млн тани, маҳсулдор поялар эса 6,5810-7,0577-7,3346 млн тани ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

## «Скифянка» навида кўчат қалинлигининг ҳосилдорликка таъсири

| Йиллар | Кўчат қалинлиги млн.туп/га | Тупланиш ўртача |                  | Поялар сони (млн/га) |           | Бир бошокдаги ўртача дон сони (дона) | 1000 та дон оғирлиги (г) |
|--------|----------------------------|-----------------|------------------|----------------------|-----------|--------------------------------------|--------------------------|
|        |                            | Умумий поялар   | Маҳсулдор поялар | Умумий               | Маҳсулдор |                                      |                          |
| 1      | 3,8398                     | 2,15            | 1,75             | 8,2556               | 6,7196    | 28,6                                 | 42,0                     |
|        | 4,5894                     | 1,96            | 1,57             | 8,9952               | 7,2053    | 25,8                                 | 40,1                     |
|        | 5,2076                     | 1,81            | 1,43             | 9,4257               | 7,4468    | 25,0                                 | 39,6                     |
| 2      | 3,3629                     | 2,19            | 1,81             | 7,3647               | 6,0868    | 29,1                                 | 42,2                     |
|        | 3,8374                     | 2,07            | 1,71             | 7,9434               | 6,5619    | 26,8                                 | 40,8                     |
|        | 4,3274                     | 1,98            | 1,60             | 8,5682               | 6,9238    | 26,1                                 | 38,9                     |
| 3      | 3,7905                     | 2,21            | 1,83             | 8,3770               | 6,9366    | 29,2                                 | 41,6                     |
|        | 4,5717                     | 2,03            | 1,62             | 9,2805               | 7,4061    | 26,1                                 | 39,8                     |
|        | 5,2644                     | 1,79            | 1,45             | 9,4232               | 7,6333    | 25,3                                 | 38,6                     |
| Ўртача | 3,6644                     | 2,18            | 1,80             | 7,9991               | 6,5810    | 29,0                                 | 41,9                     |
|        | 4,3328                     | 2,02            | 1,63             | 8,7397               | 7,0577    | 26,2                                 | 40,2                     |
|        | 4,9331                     | 1,86            | 1,49             | 9,1390               | 7,3346    | 25,5                                 | 39,0                     |

«Қуова» навида ҳам тажрибанинг учала йилида бир бирини тасдиқловчи маълумотлар олиниб уч йиллик маълумот жамланиб ўртача кўрсаткич ҳисобланганда қуйидагича кўриниш олди. 4,5-5,5-6,5 млн/га уруғ экилган вариантларда уч йилда ўртача 3,7282-4,4797-5,0798 млн/га кўчат бўлиб, умумий тупланиш ўртача 2,16-2,02-1,83 тани, шундан маҳсулдор поялар сони ўртача 1,79-1,57-1,41 тага тенг бўлган. 1 га майдондаги умумий поялар сони меъёрлар бўйича тегишлича 8,0635-9,0585-9,2917 млн/га, маҳсулдор поялар эса 6,6841-7,0441-7,3392 млн/га га тенг бўлади (2-жадвал).

2-жадвал

## «Қуова» навида кўчат қалинлигининг ҳосилдорликка таъсири

| Йиллар | Кўчат қалинлиги млн.туп/га | Тупланиш ўртача |                  | Поялар сони (млн/га) |           | Бир бошокдаги ўртача дон сони (дона) | 1000 та дон оғирлиги (г) |
|--------|----------------------------|-----------------|------------------|----------------------|-----------|--------------------------------------|--------------------------|
|        |                            | Умумий поялар   | Маҳсулдор поялар | Умумий               | Маҳсулдор |                                      |                          |
| 1      | 3,5698                     | 2,20            | 1,83             | 7,8535               | 6,5327    | 33,0                                 | 40,1                     |
|        | 4,2568                     | 2,08            | 1,62             | 8,8541               | 6,8960    | 28,6                                 | 39,6                     |
|        | 4,8302                     | 1,87            | 1,45             | 9,0324               | 7,0037    | 27,2                                 | 38,1                     |
| 2      | 3,7628                     | 2,11            | 1,74             | 7,9395               | 6,5472    | 31,8                                 | 40,0                     |
|        | 4,5424                     | 1,97            | 1,51             | 8,9485               | 6,8590    | 28,6                                 | 39,3                     |
|        | 5,1537                     | 1,79            | 1,36             | 9,2251               | 7,4986    | 26,1                                 | 37,3                     |
| 3      | 3,8521                     | 2,18            | 1,81             | 8,3975               | 6,9723    | 33,4                                 | 40,0                     |
|        | 4,6399                     | 2,02            | 1,59             | 9,3725               | 7,3774    | 28,9                                 | 38,7                     |
|        | 5,2556                     | 1,83            | 1,43             | 9,6177               | 7,5155    | 27,8                                 | 38,0                     |
| Ўртача | 3,7282                     | 2,16            | 1,79             | 8,0635               | 6,6841    | 32,7                                 | 40,0                     |
|        | 4,4797                     | 2,02            | 1,57             | 9,0585               | 7,0441    | 28,7                                 | 39,2                     |
|        | 5,0798                     | 1,83            | 1,41             | 9,2917               | 7,3392    | 27,0                                 | 37,8                     |

«Крошка» навида меъёрлар бўйича тегишлича уч йилда ўртача 3,5715-4,2840-4,9071 млн/га кўчат бўлиб, тупланиш ўртача 2,13-1,94-1,75 тага, маҳсулдор поялар сони ўртача 1,78-1,55-1,38 тага тенг бўлди. 1 гектар майдонда умумий 7,6229-8,6168 млн пая ҳосил бўлиб, шундан маҳсулдор поялар 6,2474-6,6422-6,7552 млн тани ташкил этди (3-жадвал).

«Княжна» ва «Половчанка» навларида ҳам «Крошка» нави билан деярли бир хил кўрсаткичлар кузатилади. Бироқ умумий тупланиш даражаси «Половчанка» навида бир оз пастроқ бўлиб, меъёрлар бўйича тегишлича 1,99-1,78-1,62 тани, маҳсулдор поялар сони эса «Крошка» ва «Княжна» навлари билан деярли бир хил 1,73-1,50-1,34 тага тенг бўлди (4 ва 5 жадваллар).

Тажриба бўйича умуман олиб қараганда барча навларда кўчат қалинлиги ортиши билан ҳар бир туп ўсимликнинг умумий ва маҳсулдор поялари сони камайиши кузатилади.

Кузги буғдой ўсимлигида нафақат тупланиш даражаси ва маҳсулдор пояларнинг сони, балки бир бошокдаги доннинг сони ва 1000 дон доннинг оғирлиги ҳам якуний ҳосилдорликка сезиларли таъсир кўрсатади. Бир бошокдаги дон сонининг кўп ёки кам, 1000 дон дон вазнининг оғирроқ ёки енгилроқ бўлишига кузги буғдойнинг экиш меъёри, кўчат қалинлиги бевосита таъсир кўрсатади. Ўсимликнинг кўчат қалинлиги оширилган сайин бир бошокдаги донларнинг сони ва вазни камайиб боради. А.Иминовнинг

(2005) кузги бугдойнинг «Умманка» нави устида олиб борилган тажрибалари натижалари ҳам фикримизни тасдиқлайди.

3-жадвал

**«Крошка» навида кўчат қалинлигининг ҳосилдорлик хусусиятларига таъсири.**

| Йиллар | Кўчат қалинлиги млн.туп/га | Тупланиш ўртача |                  | Поялар сони (млн/га) |           | Бир бошокдаги ўртача дон сони (дона) | 1000 та дон оғирлиги (г) |
|--------|----------------------------|-----------------|------------------|----------------------|-----------|--------------------------------------|--------------------------|
|        |                            | Умумий поялар   | Маҳсулдор поялар | Умумий               | Маҳсулдор |                                      |                          |
|        | 3,4431                     | 2,14            | 1,79             | 7,3682               | 6,1631    | 30,3                                 | 44,0                     |
|        | 4,1034                     | 1,96            | 1,61             | 8,0426               | 6,6065    | 28,1                                 | 43,1                     |
|        | 4,6904                     | 1,76            | 1,45             | 8,2551               | 6,8011    | 27,0                                 | 42,4                     |
| 2      | 3,4772                     | 2,09            | 1,73             | 7,2673               | 6,0155    | 30,0                                 | 43,8                     |
|        | 4,1396                     | 1,84            | 1,57             | 7,6168               | 6,4991    | 27,6                                 | 43,0                     |
|        | 4,7172                     | 1,68            | 1,39             | 7,9248               | 6,5569    | 26,7                                 | 42,1                     |
| 3      | 3,7941                     | 2,17            | 1,81             | 8,2331               | 6,5637    | 30,1                                 | 44,2                     |
|        | 4,6089                     | 2,02            | 1,48             | 9,3099               | 6,8211    | 27,8                                 | 42,8                     |
|        | 5,3136                     | 1,82            | 1,30             | 9,6707               | 6,9076    | 27,3                                 | 42,5                     |
| Ўртача | 3,5715                     | 2,13            | 1,78             | 7,6229               | 6,2474    | 30,1                                 | 44,0                     |
|        | 4,2840                     | 1,94            | 1,55             | 8,3231               | 6,6422    | 27,8                                 | 42,9                     |
|        | 4,9071                     | 1,75            | 1,38             | 8,6168               | 6,7552    | 27,0                                 | 42,3                     |

4-жадвал

**«Княжна» навида кўчат қалинлигининг ўсимлик ҳосилдорлик хусусиятларига таъсири.**

| Йиллар | Кўчат қалинлиги млн.туп/га | Тупланиш ўртача |                  | Поялар сони (млн/га) |           | Бир бошокдаги ўртача дон сони (дона) | 1000 та дон оғирлиги (г) |
|--------|----------------------------|-----------------|------------------|----------------------|-----------|--------------------------------------|--------------------------|
|        |                            | Умумий поялар   | Маҳсулдор поялар | Умумий               | Маҳсулдор |                                      |                          |
| 1      | 3,4471                     | 2,22            | 1,83             | 7,6525               | 6,3081    | 29,8                                 | 45,3                     |
|        | 4,1126                     | 2,04            | 1,61             | 8,3897               | 6,6212    | 27,5                                 | 44,8                     |
|        | 4,5924                     | 1,83            | 1,43             | 8,4040               | 6,5671    | 26,3                                 | 44,2                     |
| 2      | 3,4840                     | 2,16            | 1,74             | 7,5254               | 6,0621    | 28,7                                 | 44,7                     |
|        | 4,1581                     | 1,93            | 1,58             | 8,0251               | 6,5698    | 26,3                                 | 44,1                     |
|        | 4,6436                     | 1,78            | 1,41             | 8,2656               | 6,5474    | 25,4                                 | 43,8                     |
| 3      | 3,8350                     | 2,08            | 1,70             | 7,9768               | 6,5195    | 30,5                                 | 45,0                     |
|        | 4,5900                     | 1,87            | 1,45             | 8,3079               | 6,6555    | 28,1                                 | 44,7                     |
|        | 5,2930                     | 1,60            | 1,27             | 8,4688               | 6,7221    | 26,8                                 | 44,1                     |
| Ўртача | 3,5887                     | 2,15            | 1,76             | 7,7182               | 6,2965    | 29,7                                 | 45,0                     |
|        | 4,2869                     | 1,93            | 1,55             | 8,2409               | 6,6155    | 27,3                                 | 44,5                     |
|        | 4,8430                     | 1,74            | 1,37             | 8,3794               | 6,6122    | 26,2                                 | 44,0                     |

5-жадвал

**«Половчанка» навида кўчат қалинлигининг ҳосилдорлик хусусиятларига таъсири.**

| Йиллар | Кўчат қалинлиги млн.туп/га | Тупланиш ўртача |                  | Поялар сони (млн/га) |           | Бир бошокдаги ўртача дон сони (дона) | 1000 та дон оғирлиги (г) |
|--------|----------------------------|-----------------|------------------|----------------------|-----------|--------------------------------------|--------------------------|
|        |                            | Умумий поялар   | Маҳсулдор поялар | Умумий               | Маҳсулдор |                                      |                          |
| 1      | 3,5459                     | 2,08            | 1,82             | 7,3754               | 6,4535    | 32,3                                 | 44,0                     |
|        | 4,2132                     | 1,87            | 1,61             | 7,8786               | 6,7832    | 30,1                                 | 43,2                     |
|        | 4,8225                     | 1,68            | 1,41             | 8,1018               | 6,7997    | 29,0                                 | 42,5                     |
| 2      | 3,5422                     | 1,91            | 1,68             | 6,7656               | 5,9508    | 31,6                                 | 43,7                     |
|        | 4,2271                     | 1,76            | 1,47             | 7,4396               | 6,2138    | 29,6                                 | 43,1                     |
|        | 4,8339                     | 1,59            | 1,39             | 7,6859               | 6,7191    | 28,4                                 | 42,0                     |
| 3      | 3,8826                     | 1,98            | 1,69             | 7,6875               | 6,5615    | 31,2                                 | 43,6                     |
|        | 4,6635                     | 1,73            | 1,42             | 8,0678               | 6,6221    | 29,2                                 | 43,1                     |
|        | 5,4603                     | 1,59            | 1,23             | 8,6818               | 6,7161    | 27,6                                 | 42,8                     |
| Ўртача | 3,6569                     | 1,99            | 1,73             | 7,2762               | 6,3219    | 31,7                                 | 43,8                     |
|        | 4,3649                     | 1,78            | 1,50             | 7,7953               | 6,5397    | 29,6                                 | 43,1                     |
|        | 5,0389                     | 1,62            | 1,34             | 8,1563               | 6,7449    | 28,3                                 | 42,4                     |

1-5 жадвалларда тажрибида синалган навларда кўчат қалинлигини ўсимликларнинг тулланиш даражаси умумий ва маҳсулдор поялари сонига таъсири тўғрисидаги маълумотлар билан бир қаторда ушбу вариантларда бир бошокдаги доннинг сони ва 1000 дон дон оғирлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳам келтирилган.

Шунга кўра «Скифянка» навида 2000 йилда 4,5 млн/га уруғ экилиб 3,8398 млн кўчат олинган вариантда бир бошокдаги дон сони ўртача 28,6 тани, 1000 дон дон вазни эса 42,0 г ни ташкил этган. Экиш меъёри 6,5 млн/га га оширилиб кўчат қалинлиги 5,2076 млн/га етганда эса бир бошокда ўртача 25,0 та дон бўлиб, доннинг абсолют вазни 39,6 г тенг бўлган. 2001-2002 йиллардаги олинган натижаларда ҳам ушбу қонуният сақланиб қолиб ўртача уч йиллик маълумотлар ҳисоб-китоб қилинганда қуйидаги натижалар

олинди. 4,5-5,5-6,5 млн/га уруғ экилганда кўчат қалинлиги тегишлича 3,6644-4,3328-4,9331 млн/га, бир бошокдаги дон сони тегишлича 29,0-26,2-25,5 та, 1000 дона дон вазни 41,9-40,2-39,0 г ни ташкил этди.

«Купава» навида ўртача уч йиллик маълумотлар натижалари кўрсатишича кўчат қалинлиги 3,7282 млн/га, дон 4,4797 млн/га ва 5,0798 млн/га гача оширилганда бир бошокдаги дон сони уч йилда ўртача 32,7 дан 28,7-27,0 тагача камайиб, 1000 дона доннинг вазни 40,0 г дан 31,2-37,8 г гача енгиллашган.

«Крошка» навида ҳам натижалар ўзгариши шу қонуният асосида бўлиб, кўчат сони уч йилда ўртача 3,5715 млн/га, дон 4,2840-4,9071 млн/га оширилганда бир бошокдаги дон сони 30,1 тадан 27,8-27,0 та гача камайиб, доннинг абсолют вазни тегишлича 44,0-42,9-42,3 г га тенг бўлди.

«Княжна» ва «Половчанка» навларида ҳам бир бошокдаги дон сони ва 1000 дона дон оғирлигининг ўзгариш шу қонуният асосида бўлиб «Княжна» навида бир бошокдаги дон сони ва 1000 дона дон вазни тегишлича 29,7-27,3-26,2 та ва 45,0-44,5-44,0 г ни, «Половчанка» навида эса тегишлича бу кўрсаткич 31,7-29,6-28,3 дона ва 43,8-43,1-42,4 г ни ташкил этди.

УЎК 633.15

## БУХОРО ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА МАККАЖЎХОРИ НАВЛАРИНИ КУЧСИЗ ШЎРЛАНГАН ЕРЛАРДА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ

*Л.Б. Исоева, докторант, ТИваҚХММИ Бухоро филиали, Бухоро*  
*У.Ў. Тешаев, талаба, ТИваҚХММИ Бухоро филиали, Бухоро*  
*З.И. Насуллаев, талаба, ТИваҚХММИ Бухоро филиали, Бухоро*

**Аннотация.** Маккажўхори энг қимматли, юқори ҳосилли дон экини ҳисобланиб, озиқ – овқат, ем – хашиак, техник ва агротехник аҳамиятга эга. Озиқ-овқат сифатида маккажўхорининг дони ишлатилади. Унинг дони жуда ҳам тўйимли ҳисобланиб, таркибида ўртача 10,6% клетчатка, 1,4% кул моддалари бор. Лекин, маккажўхори донида оқсил миқдори кам бўлади. Шу сабабли маккажўхори унига 25-30% буғдой уни қўшиб нон ётилади. Маккажўхори дони таркибида ёғ моддаси (4,3-5,0%) кўп бўлганлиги учун унинг уни тез ачийди. Дон муртаги махсус машиналарда ажратиб олинди, қолган қисмидан ун тайёрланади, чунки маккажўхорининг муртаги таркибида 25 – 40 % гача мой моддаси бўлиб, ундан озиқ – овқат учун ишлатилган мой тайёрланади.

**Калит сўзлар:** маккажўхори, юқори ҳосил, ем – хашиак, тўйимли, маккажўхори дони, маккажўхори уни

**Аннотация.** Кукуруза - ценнейшая, высокоурожайная зерновая культура, имеющая пищевое, кормовое, техническое и агротехническое значение. Зерна кукурузы употребляются в пищу. Его зерна очень питательны, содержат в среднем 10,6% клетчатки и 1,4% золы. Однако количество белка в зернах кукурузы невелико. Поэтому в кукурузную муку добавляют 25-30% пшеничной муки. Благодаря высокому содержанию жира (4,3-5,0%) в зернах кукурузы, он быстро ферментируется. Лузга зерна отделяется на специальных машинах, а остальная часть идет на приготовление муки, поскольку в кукурузной шелухе содержится 25-40% жира, который используется для получения растительного масла.

**Ключевые слова:** кукуруза, высокий урожай, фураж - кормовая, питательная, кукурузное зерно, кукурузная мука

**Abstract.** Corn is the most valuable, high-yielding cereal crop with food, fodder, technical and agrotechnical significance. Corn kernels are used as food. Its grains are very nutritious, containing an average of 10.6% fiber and 1.4% ash. However, the amount of protein in corn kernels is low. That is why corn is covered with bread by adding 25-30% wheat flour to it. Due to the high content of fat (4.3-5.0%) in corn kernels, it makes it ferment quickly. Grain husks are separated on special machines and the rest is used to make flour, because corn husks contain 25-40% of fat, which is used for cooking oil.

**Keywords:** corn, high yield, fodder - fodder, nutritious, corn grain, corn flour

Ҳозирги кунда кишлок ва сув хўжалиги соҳасида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, фермер хўжаликларининг суғориладиган майдонларига сувни етказиб беришда каналлар ва коллектор-зовурларнинг ишлаш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шулар билан бир қаторда ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланишда замонавий ресурстежамкор суғориш техника ва технологияларини такомиллаштиришни талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... миллий иқтисодийнинг рақобатбардошлигини ошириш учун энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга ресурстежамкор технологияларни кенг жорий этиш» алоҳида таъкидлаб ўтилган. Бу борада экинларнинг ресурстежамкор суғориш усуллари ва сувдан фойдаланиш режасини ишлаб чиқиш ва қўллаш асосида ерларнинг унумдорлигини ошириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда. Жаҳонда ер-сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш ва тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга бағишланган мақсадли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, суғориладиган майдонларда кенг миқёсда эрозияга қарши мақсадли йуналтирилган илмий-тадқиқотларни амалга ошириш, ер-сув ресурсларини муҳофаза этиш техника ва технологияларини яратиш, экин экиладиган майдонларнинг таркибига тупроқни химояловчи экинларни киритиш йули билан амалиётга татбиқ этилиши соҳадаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Чорвачиликни ривожлантириш, аҳолига экологик тоза озиқ-овқат